

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

**БОЛТАЕВА ЗУЛАЙХО ОЛЛАБЕРГАНОВНА**

**КЕКСАЛАРДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ДЕГЕНЕРАТИВ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ НЕВРОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИНИ  
КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология  
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Болтаева Зулайхо Оллабергановна**

Кексаларда умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг  
неврологик кўринишларини комплекс реабилитация дастурини  
такомиллаштириш ..... 3

**Болтаева Зулайхо Оллабергановна**

Оптимизация программы комплексной реабилитации  
неврологическими проявлениями дегенеративных заболеваний  
позвоночника у пожилых ..... 24

**Boltaeva Zulaikho Ollabergenovna**

Optimization of the comprehensive rehabilitation program for  
neurological manifestations of degenerative diseases of the spine in the  
elderly ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.05. 2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

**БОЛТАЕВА ЗУЛАЙХО ОЛЛАБЕРГАНОВНА**

**КЕКСАЛАРДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ ДЕГЕНЕРАТИВ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ НЕВРОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИНИ  
КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология  
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2763 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Адамбаев Зуфар Ибрагимович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Усманходжаева Адибахон Амирсаидовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашева Наргиза Обиджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Иванова Ирина Ивановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998(78) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998(71) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ж. Матмуродов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Б. Азизова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.К. Хайдарова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра «...2015-2050 йиллар оралиғида 60 ва ундан катта ёшдаги одамлар сони 900 миллиондан 2 миллиардгача ўсиши кутилмоқда...»<sup>1</sup> Бу муаммонинг тиббий-ижтимоий аҳамиятини англатади. Ўтказилган тадқиқотлар кексаларда умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг клиник ва неврологик белгиларини, замонавий ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, санатория масканлари ва уй шароити учун таққослама реабилитация дастури аҳамияти ўрганилмаган. «...Ҳисобкитобларга кўра, ҳозирги вақтда дунёда тахминан тахминан 2,4 миллиард инсон реабилитация кўрсатилиши мумкин бўлган патологик ҳолатлардан азият чекмоқда...»<sup>2</sup>. Кексаларда бел оғриғини даволашда таққослама реабилитация дастури ва унинг узлуксизлигига аҳамият қаратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликларини (УПДДК) эрта ташхислаш, касалланиш ва даволашга ёндашувда юқори самарадорликка эришишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда (А.Causey, К.Kamenov, К.Hanson, S.W.Chatterji 2020). Шу муносабат билан кексаларда бел оғриғи билан касалланган беморлар сони, хавфи ва ривожланишининг патогенетик сабаблари, оғирлик даражаларини билиш учун замонавий таснифлар ва ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича ҳаракатлар қилинмоқда. Кексаларда касалликнинг клиник шакллари амбулатор ва шифохона шароитларда консерватив даволаш ва узлуксиз реабилитация жараёнини ташкил этиш, асоратларни камайтириш, касалликнинг профилактикасига тизимли ёндашиш ва баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги босқичда ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, нерв тизимининг турли касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизматнинг кўрсатилиши ва сифатини ошириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мажмуавий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, нафақахўрлар, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳолининг касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва умр кўриш давомийлигини оширишни таъминлаш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан холда, жумладан, бел

<sup>1</sup> [https://www.who.int/ru/health-topics/ageing#tab=tab\\_](https://www.who.int/ru/health-topics/ageing#tab=tab_)

<sup>2</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/rehabilitation>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

оғриғини ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 декабрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларининг эпидемиологияси ва патогенези, эрта ташҳислаш, жарроҳлик ва консерватив усуллари билан даволаш, шунингдек УПДДК профилактикаси бўйича дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган. Жумладан, бел оғриқлари билан касалланган беморларнинг КТ текшируви таҳлилларида 22,5% тарқалганлиги исботланган, шу билан бирга ёш ошиши билан бу кўрсаткич тарқалиши ҳам ошиши кузатилган (40 ёшда - 20% ва 60-69 ёшда – 47,2%) (Boston University School of Medicine Division of Research, Department of Radiology, Boston, MA); УПДДКнинг клиник кўринишларида нафақат умуртқа каналининг ўлчами, балки майдонининг қисқариши аниқланган (Universite Cadi Ayyad, Marrakech, Марокко); параспинал мушакларнинг электромиографияда хариталаш 100% хосликка (мосликка), аммо УПДДКни ташҳислашда 30% сенсетивликка ( $p < 0,04$ ) эга эканлиги аниқланган (University of Michigan Health System, Ann Arbor, Michigan, АКШ); УПДДКни хирургик даволашда муваффақиятсиз натижаларнинг улуши 20% дан 40% гача ўзгариб туриши аниқланган (Department of Neurosurgery, Vanderbilt University Med Center, Spinal Column Surgical Quality and Outcomes Research Laboratory, Nashville, Tennessee, АКШ).

Ҳозирги вақтда УПДДК ташҳислаш ва даволаш бўйича олинган натижалар янги саволларни туғдиради ва тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади. Қуйидаги масалалар ҳамон диққат марказида қолмоқда: меъёрий ва патологик кўрсаткичларни аниқлашда рентгенологик, КТ ва МРТ усулларининг информативлик даражасини қиёсий таҳлил қилиш; бел-

умуртқа стенозини келтириб чиқарувчи суяк ва юмшоқ тўқималар тузилмаларининг патологик радиологик кўрсаткичларини аниқлаш; нейрофизиологик ташхисларни мақбуллаштириш; даволаш самарадорлик мезонларини аниқлаш; консерватив даволаш ва профилактикани такомиллаштириш; консерватив ва жарроҳлик билан даволаш учун беморларни саралаб олиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент тиббиёт академияси неврология ва реабилитология, халқ табobati ва жисмоний тарбия кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ички аъзоларни ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари билан оғриган беморларни реабилитация қилиш технологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кексаларда умуртқа поғонаси неврологик бузилишларнинг ўзига хос хусусиятларини, коморбид касалликларнинг аниқлаш, улар асосида санаторияда даволаниш учун саралаш алгоритми ва комплекс реабилитация дастурини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кексаларда умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг неврологик бузилишлари хусусиятларини баҳолаш;

коморбид касалликларни ҳисобга олган ҳолда, умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг неврологик кўринишлари бўлган беморларни аниқлаш ва даволаш дастурига мультидисциплинар ёндашувнинг аҳамиятини таҳлил қилиш;

коморбид касалликлар ва нейровизуалогик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда дорсалгия билан касалланган кексаларни санаторияда даволаш, реабилитация қилиш алгоритми ва дастурини ишлаб чиқиш;

умуртқа поғонаси дегенератив касалликларининг неврологик кўринишлари бўлган кексаларни санаторияда реабилитация қилиш ва уй шароитида таққослама даволовчи жисмоний тарбия машқларининг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2022 йилларда Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Урганч» санаторийсида стационар равишда даволанаётган УПДДК ташхиси қўйилган 120 нафар кекса беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кексаларда бел оғриқларининг клиник-неврологик, лаборатория-инструментал, нейровизуалогик, рухий ва ҳаёт сифати комплекс текшириш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Нейро-психологик шкалалардан, визуал аналогли шкала (ВАШ), нейропатик оғриқ шкаласи (DN4), мушак-тортишиш синдроми (МТС) шкаласи, вертеброневрологик симптомларни балли баҳоловчи суммар клиник шкаласи (ВНСББСКШ), ҳаёт сифатини аниқловчи Освестри шкаласи, депрессияни аниқловчи Бек шкаласи,

электронейрадиография (ЭНМГ), умуртқа поғонасининг R-графия, МСКТ, МРТлари ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дорсалгия билан касалланган кексаларда умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари билан боғлиқ бўлган неврологик синдромларидан кўп аниқланган радикулопатия ва енгил депрессия белгиларининг полиморфизми билан тавсифланиши аниқланган;

дорсалгия билан оғриган кексаларда ички аъзоларнинг аниқланган коморбид касалликларини инобатга олган холда, ташхислаш ва даволашда мультидисциплинар ёндашувлар илмий асосланган;

санаторияда дорсалгияси бўлган кексаларни коморбид касалликлар ва умуртқа поғонасининг невровизиуалогик текшириш натижаларини инобатга олган холда санатория гуруҳларига ажратиб, ташхислаш ва даволаш мезонлари ишлаб чиқилган;

дорсалгия билан оғриган кексаларни санатория шароитида реабилитация қилиш ва уй шароитида таққослама даволовчи жисмоний тарбия дастурининг самарадорлиги беморларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва ҳаёт сифатини яхшиланиш кўрсаткичлар натижалари билан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дорсалгия билан оғриган кекса беморларда даволашни тайинлашда, умуртқа поғонасининг невровизиуалогик текшируви ўтказилиб, неврологик бузилишлар баҳоланган;

дорсалгия билан оғриган кекса беморларни «қизил байроқчалар» ва коморбид касалликларини дифференциал ташхислаш ва профилактик чоратадбирларни кўриш аҳоли орасида бел оғриғи ва бошқа ёндош касалликларни қайта ривожланмаслик эҳтимолини камайтириши ва ҳаёт сифатини ошириши исботланган;

клиник-неврологик хусусиятлар натижаларига кўра кексаларда бел оғриғини эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, неврологик, инструментал, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллар асосида кексаларда бел оғриқларининг клиник-неврологик хусусиятларини халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кексаларда умуртқа поғонасининг неврологик бузилишларини ташхислашнинг дифференциал ёндашув мезонлари сифатида қаралиши дорсалгияни эрта ташхислаш ва олдини олиш беморлар ҳаёт сифати ва ўз-ўзига хизмат қилиш самарадорлигини оширади, клиник кечишини енгиллаштиришнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари билан кечувчи дорсалгия билан оғриган кексаларда «қизил байроқчалар», коморбид касалликларни ва умуртқа поғонаси нейровизуалогик текширувлари (МРТ, ЭНМГ) ни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган алгоритм асосида тўлиқ, чекланган ва минимал даволаш-санатория тартибига ажратиб, гуруҳларда таққослама реабилитацияни ўтказиш, шу билан даволашни самарадорлигини ошириши билан асоратларини камайиши амалий аҳамияти билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

УПДДК ташхиси қўйилган кекса беморларда бел оғриғининг клиник неврологик кечиши ва коморбид касалликлар хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* дорсалгия билан касалланган кексаларда умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари билан боғлиқ бўлган неврологик синдромларидан кўп аниқланган радикулопатия ва енгил депрессия белгиларининг полиморфизми билан тавсифланиши аниқланиши Хоразм Вилояти кўп тармоқли тиббиёт Маркази (ХВКТТМ) 01.07.2022 йилдаги 68-сонли буйруқ ҳамда Хоразм вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази 02.08.2022 йилдаги 17-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йилдаги 15 январдаги 11/03-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* кексаларда бел оғриғини иккиламчи профилактикасини устунлик қилувчи хавф омиллари ва бирламчи бел оғриғини патогенетик типларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш, бу беморлар орасида уни такрорий келишини чеклаб, кекса беморларда ҳаёт сифатини яхшиланишига ва ногиронликни камайишига олиб келади. *Иқтисодий самарадорлиги:* кекса ёшдаги бел оғриғи билан оғриган беморларни адекват, табақалаштирилган комплекс реабилитация даволаш усули қўлланиши 100% ҳолларда неврологик асоратларни ривожланишига тўсқинлик қилади ва кўшимча шифохонада ётишни талаб қилмаслиги ҳисобига иқтисод қилинган. *Ҳулоса:* кексаларда бел оғриғини нотўғри ташхис ва даволаш билан 100 нафар беморнинг 20 фоизида периферик нерв тизимида асоратлар ривожланади, бу эса 5-7 кун давомида шифохонада даволанишни талаб қилади. Бу шифохона шароитда 20×6 (кун) ҳаммаси бўлиб 120 ётоқ-қунига тўғри келади. Бир кунда 480 минг харажат сарфланса, 100 нафар беморга 48 миллион сўм ёки битта беморга 0.48 млн сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик:* дорсалгия билан оғриган кексаларда ички аъзоларнинг аниқланган коморбид касалликларини инобатга олган ҳолда, ташхислаш ва даволашда мултидисциплинар ёндашувлар илмий асосланган, Хоразм Вилояти кўп тармоқли тиббиёт Маркази (ХВКТТМ) 01.07.2022 йилдаги 68-сонли буйруқ ҳамда Хоразм вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 02.08.2022 йилдаги 17-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йилдаги 15

январдаги 11/03-сонли хулосаси) аниқланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* кекса беморларда ёндош касалликларини аниқлаб, кейин даво муолажалари ўтказилса, асоратлар ривожланиб кетишининг олди олиниши ҳисобига ҳаёт сифатини яхшиланишига ва ўлим кўрсаткичи камайишига олиб келади. *Иқтисодий самарадорлиги:* кексаларда бел оғриғи билан бирга келадиган хавфли ёндош касалликларини аниқлаб, тўғри комплекс реабилитация қилиниши, ёндош касалликлар асоратларини ривожланиб кетиб, қўшимча шифохонада даволанишни талаб қилмаслиги орқали иқтисодий самарадорликка эришилган. *Хулоса:* кексаларда бел оғриғи билан биргаликда ёндош касалликлар хавфини аниқлаган ҳолда, комплекс реабилитация амалга оширилиши, қўшимча госпитализация қилишни талаб қилмайди. Нотўғри ташхис ва даволаш орқали битта беморга қўшимча 5-7 кун койка кунни ва қўшимча дори-дармонлар учун бюджет маблағларни 2880000 (6×480000) сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* ихтисослашган шифо масканида беморларни диагностик таҳлиллар натижасида гуруҳларга (тўлиқ даволовчи санатор тартиб, чекланган даволовчи санатор тартиб, минимал даволовчи санатор тартиб) ажратиб, реабилитация алгоритми ишлаб чиқилган. Кексаларда бел оғриғини уй шароитида даволаш учун гуруҳларда таққослама даволовчи жисмоний ва аэроб машқлар мониторинг дастури ишлаб чиқилди. Хоразм Вилояти кўп тармоқли тиббиёт Маркази (ХВКТТМ) 01.07.2022 йилдаги 68-сонли буйруқ ҳамда Хоразм Вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази 02.08.2022 йилдаги 17-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йилдаги 15 январдаги 11/03-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бу алгоритм ва уй шароитида кексалар учун таққослама жисмоний тарбия машқларидан фойдаланилса, касалликнинг иккиламчи профилактикаси ҳисобига беморларда ўз-ўзига хизмат қилиш қобилияти ортади. *Иқтисодий самарадорлиги:* алгоритм ва реабилитацион дастурдан оқилона фойдаланилганда, кекса беморларда касаллик ремиссия даври узок вақтга чўзилишига олиб келади ва қўшимча дорилар қабул қилмасликлари ва шифохонага ётмасликлари билан иқтисод қилинган. *Хулоса:* санатория комплекс реабилитация дастуридан фойдаланиш ва уй шароитида таққосланган жисмоний тарбия машқларидан фойдаланиш, кекса беморларда касаллик кўзишини олдини олади ва 1 нафар бемор учун 2880000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* дорсалгия билан оғриган кексаларни санатория шароитида реабилитация қилиш ва уй шароитида таққослама даволовчи жисмоний тарбия дастурининг самарадорлиги беморларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва ҳаёт сифатини яхшиланиши билан исботланган. Булар натижасида ўз-ўзига хизмат қилишнинг, яъни ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. Бу кўрсаткичлар корреляцион боғлиқлиги аниқланиши, Хоразм Вилояти кўп тармоқли тиббиёт Маркази (ХВКТТМ) 01.07.2022 йилдаги 68-сонли буйруқ ҳамда Хоразм Вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази 02.08.2022

йилдаги 17-сонли буйруқлар билан амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йилдаги 15 январдаги 11/03- сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: кексаларда бел оғриғини даволаш самарадорлигини баҳолаш лозим бўлганда комплекс реабилитация дастуридан танлаб фойдаланиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: нейрпсихологик шкалалардан динамикада фойдаланиш натижасида қўшимча текширувлар ўтказилишни талаб қилмаслиги ҳисобига иқтисод қилинган. *Хулоса*: нейрпсихологик шкалалар динамикада қўлланиши натижасида комплекс реабилитация дастурини беморга ижобий ёки салбий таъсирини билишга ёрдам беради ва қўшимча текширувлар учун 1 та беморга 500-600 минг сўм иқтисод қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқотнинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарбликлиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг «**Кексаларда бел оғриғини санатория шароитида даволашнинг замонавий тамойиллари**» (адабиётлар шарҳи) номли биринчи бобида касалликнинг этиологияси, патогенези, ташхислаш, клиник кечиши, қариш, биологик ёш тўғрисида замонавий илмий шарҳлар келтирилган. Умумлаштирилган маълумотларга асосланиб, мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, даволашнинг замонавий тамойиллари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тегишли беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар ёритилган. Тадқиқотнинг материаллари 2020-2022 йилларда «Урганч» санаториясида даволанган 120 нафар кекса ёшдаги

беморларнинг кузатуви натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлган. Беморлар орасида аёллар – 90 нафар (75,0%) устунлик қилган, эркаклар эса 30 нафарни (25,0%) ташкил қилган.

Амалий қулайлик ва мақсадга мувофиқлик учун дорсалгия билан оғриган кексалар учун санаторияда даволаш тартибини қуйидаги гуруҳларга ажратдик: тўлиқ даволаш-санатория тартиби (ТДСТ), чекланган даволаш-санатория тартиби (ЧДСТ), минимал даволаш-санатория тартиби (МДСТ) (1-расм).



### 1-расм. Илмий тадқиқотнинг амалга ошириш босқичлари.

Беморларнинг ёши  $65,8 \pm 0,4$  йилни ташкил қилган. Эркакларнинг ёши ўртача  $68,0 \pm 0,8$  ёшни, аёлларда –  $65,1 \pm 0,5$  ёшни ташкил қилган (1 жадвал).

#### 1-жадвал

#### Гуруҳларда беморларнинг ўртача ёш кўрсаткичлари ( $M \pm m$ )

Гуруҳлар	Эркаклар		Аёллар		Иккала жинс	
	N	Ёши	n	Ёши	n	Ёши
ТДСТ	14	$68,0 \pm 1,1$	36	$65,3 \pm 0,9$	50	$66,0 \pm 0,7$
ЧДСТ	7	$68,9 \pm 1,7$	27	$64,9 \pm 1,0$	34	$65,7 \pm 0,9$
МДСТ	9	$67,4 \pm 1,6$	27	$65,1 \pm 0,8$	36	$65,7 \pm 0,7$
Жами	30	$68,0 \pm 0,8$	90	$65,1 \pm 0,5$	120	$65,8 \pm 0,4$

Тадқиқотнинг дизайни анъанавий объектив кўрув билан бирга беморларни клиник-неврологик баҳолаш, ВАШ бўйича оғриқнинг оғирлик даражасини аниқлаш, DN4 шкаласи бўйича невропатик оғриқни баҳолаш, МТС шкаласи ёрдамида мушак тортишиш симптоми текшируви, вертебронеурологик симптомларни балли баҳоловчи суммар клиник шкаласи, Освестри шкаласи бўйича ҳаёт сифатини бел оғриғи билан алоқаси, Бек шкаласи бўйича депрессия даражаси, бундан ташқари, нерв тизимининг зарарланиш даражасини аниқлаш учун даволаш олдин ва кейин ЭНМГ олиб

борилган. Умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликларини аниқлаш учун умуртқа поғонасининг КТ, МСКТ ёки МРТ ўтказилган. Булардан ташқари, қоннинг клиник ва биокимёвий таҳлиллари, коморбид касалликларни аниқлаш учун ЭКГ, ички аъзолар ва кичик чанок аъзоларининг УТТ ўтказилган. Зарурат бўлганда, беморларга аниқ ташхис қўйиш мақсадида, тор мутахассислардан терапевт, кардиолог, гинеколог ва уролог билан маслаҳатлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг «Дорсалгия билан кечувчи кекса ёшдаги беморларнинг клиник-неврологик текширув натижалари» номли учинчи бобида УПДДК билан оғриган кекса ёшдаги беморларда дорсалгияларнинг клиник кўринишлари, рентгенологик ва МРТ маълумотлари келтирилган (2-расм).




**2-расм. Беморларда невровизиуалогик текшириш натижалари (%)**

2-расмда кўриниб турганидек, КТ ёки МРТ маълумотларига кўра, барча гуруҳларда УПДДК нинг МРТ белгилари нисбатан бир текис тақсимланган бўлиб, ҳолбуки УПДДКдаги МРТ белгиларининг ҳар бири турли оғрик синдромини (дорсалгия): ноцицептив, мушак-тоник, илдизли ва психоген табиатни намоён қилиши мумкин. Шундай қилиб, беморларимизда умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик ўзгаришларининг тасдиқланган белгилари устунлик қилган.

Барча беморларда ички аъзоларнинг маълум коморбид сурункали касалликлари, шунингдек таянч-ҳаракат тизимининг касалликлари мавжуд бўлган. Таянч-ҳаракат тизими томонидан беморларда клиник манзараси, рентгенологик текшируви орқали аниқланган қуйидаги касалликлар: турли маҳаллий артрозлар ва артритлар – 14,9% беморларда: гонартроз – 10 нафар (8,3%) беморларда, коксартроз – 3 нафар (2,5%), елка-курак периартрози – 4 нафар (3,3%) беморларда қайд этилган. ЮҚТ томонидан коморбидлик 40% гачани ташкил қилган, улардан беморларда: гипертония касаллиги ва артериал гипертензия 1-2 даражаси – 48 нафар (40%) беморларда, юрак ишемик касаллиги–10 нафар (8,3%), қандли диабет – 14 нафар (11,7%),


ортиқча тана вазнлилик (ОТВ > 25) – 17 нафар (14,2%) беморларда, семизлик 1-2 др. (ОТВ > 30) – 25 нафар (20,8%), 3 др. (ОТВ>40) – 5 нафар (4,2%), камқонлик–9 нафар (7,5%) беморларда қайд этилган. Бундан ташқари, ОИТ сурункали касалликларидан (35% гача): сурункали холецистит – 24 нафар (20%), сурункали гастрит – 42 нафар (35%), гепатоз – 41 нафар (34,1%), сурункали панкреатит–6 нафар (5%) беморларда аниқланган. Ички аъзоларнинг бошқа касалликлари орасида: сурункали обструктив бронхит–6 нафар (5%), сурункали пиелонефрит – 28 нафар (23,3%), 4 нафар (13,3%) эркакларда простата безининг яхши сифатли гиперплазияси аниқланган (3-расм).



**3-расм. Беморларда коморбид касалликлар аниқланиши (%).**

Шундай қилиб, дорсалгия билан кечувчи УПДДК билан оғриган барча кекса ёшдаги беморларда коморбид касалликлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари даволаш-санатор тартибини қабул қилишдан чекланади.

Дорсалгия билан кечувчи УПДДК билан оғриган барча кекса ёшдаги беморларда коморбид касалликларнинг гуруҳ ичи тақсимланиши кўриб чиқилганда, санатор даволашни чекловчи касалликларга: гипертония касаллиги ва артериал гипертензия, ЮИК, ҚД, ЎБМҚАБ асоратлари, сурункали обструктив бронхит, ортиқча тана вазнлилик (ОТВ), камқонлик, сурункали пиелонефрит, эркакларда простата безининг яхши сифатли гиперплазияси киритилган.




**4-расм. Дорсалгияларни беморларда аниқланиши (%)**

Таянч-ҳаракат тизими ва ОИТ касалликлари эса даволаш-санатор тартибларига унчалик таъсир кўрсатмаган.

Барча беморлар санаторияга келганда, турли маҳаллий бел оғриғига шикоят қилганлар (4-расм).

Умуртқа поғонасининг бел қисмидаги оғриққа барча беморлар, умуртқа поғонасининг бўйин қисмида – 10 нафар, кўкрак қисмида – 16 нафар беморлар шикоят билдирган.

Беморларимиздаги клиник синдромлар И.П.Антонов (1985), шунингдек Д.К.Богородинский ва А.А.Скоромец томонидан таклиф қилинган таснифнинг тамойилларига асосланган ҳолда аниқланган бўлиб, унга кўра қуйидаги синдромлар: рефлектор – 23 нафар (19,2%) беморларда, илдизли – радикулопатиялар 43 нафар (35,8%) ва радикулоишемия 43 нафар (35,8%), ҳамда спинал – радикуломиелоишемия –11 нафар беморларда (9,2%) қайд этилган (5-расм).



**5-расм. Гуруҳларда дорсалгия билан кечувчи УПДҚ билан оғриган беморлардаги клиник синдромлар тақсимланиши (%)**

Диссертациянинг «Бел оғриғи билан оғриган кекса беморларда қийосланган даволаш-санатор тартибининг самарадорлигини баҳолаш» номли тўртинчи бобида беморлар 3 та даволаш гуруҳларига: ТДСТ, ЧДСТ ва МДСТ тақсимланган.

**2-жадвал**

**Гуруҳларда дифференциаллашган даво**

№	ТДСТ, n=50	ЧДСТ, n=34	МДСТ, n=36
1	УЗТ, ДДТ	УЗТ, ДДТ кун ора	
2	ДЖТ (чўзиш+кучли интенсивдаги)	ДЖТ (чўзиш+ўртача интенсивдаги)	ДЖТ (чўзиш+енгил интенсивдаги)
3	30 дақ. аэроб машқлар	20 дақ. аэроб машқлар	10 дақ. аэроб машқлар

Барча гуруҳларда (Ўз.Рес.ССВ стандартлари бўйича) базали терапия (БТ): НЯҚВ (ЦОГ1-2 афзаллик берган ҳолда), миорелаксантлар,

антигипоксанти ва метаболиклар, антидепрессантлар билан медикаментоз даволаш, физиотерапия (электрофорез ва лазеротерапия иглорефлексотерапия) ва массаж олиб борилган. Бироқ, биз танлаган гуруҳларда УПДК нинг оғирлигига ва қарши кўрсатмаларни инобатга олиб, кўшимча даволовчи ва аэробик машқлар ўтказилди (2-жадвал).

Шундай қилиб, шкалалар бўйича аниқланган клиник кўринишлар динамикасининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, турли даражада ифодаланган тадқиқотнинг барча гуруҳларида ўтказилган даволаш самарадорлигининг ижобий натижалари олинган. Бироқ, энг аҳамиятли ижобий динамика 1% гидрокортизон мазь билан УТТ ва ДДТ, яққол интенсивликдаги ДЖТ ва 30 дақиқалик аэробик машқларни қўллаш билан базис даво олган ТДСТ билан оғриган беморлар гуруҳида аниқланди. Ўтказилган терапиянинг камроқ самарадорлиги ЧДСТ гуруҳида кузатилди. Даволаш самарадорлигининг энг паст кўрсаткичлари МДСТ гуруҳида бўлган.

### 3-жадвал

**Дорсалгия билан кечувчи УПДК билан оғриган беморларни даволаш натижасида шкалалар бўйича клиник кўрсаткичларнинг динамикаси (M±m)**

Шкалалар бўйича кўрсаткич		ТДСТ n=50	ЧДСТ n=34	МДСТ n=36
ВАШ тинчликда	Даводан олдин	4,1±0,1	4,3±0,2	4,5±0,2
	Кейин	1,2±0,1#	1,6±0,2#	2,0±0,1#*
ВАШ ҳаракатда	Даводан олдин	4,7±0,1	4,9±0,1	5,2±0,1
	Кейин	1,6±0,1#	1,9±0,2#	2,4±0,1#*
DN4 сўровномаси	Даводан олдин	3,2±0,1	3,3±0,1	3,7±0,1
	Кейин	1,3±0,1#	1,7±0,1#*	2,3±0,1#*
Мушак тортишиш синдроми	Даводан олдин	9,5±0,3	9,7±0,3	10,1±0,2
	Кейин	1,9±0,2#	2,6±0,2#*	3,3±0,1#*
	% га камайган	80,0%	73,2%	67,3%
ВНСББСКШ	Даводан олдин	9,5±0,2	9,4±0,2	10,1±0,2
	Кейин	3,9±0,1#	5,1±0,2#*	7,2±0,2#*
	% га камайган	58,9%	45,7%	28,7%
Бек шкаласи	Даводан олдин	11,3±0,3	11,6±0,3	11,6±0,2
	Кейин	9,0±0,2#	10,1±0,2#*	11,5±0,2*
	% га камайган	20,4%	12,9%	0,9%
Освестри шкаласи	Даводан олдин	26,0±1,3	27,0±1,4	28,2±1,4
	Кейин	7,9±0,5#	10,2±0,4#*	12,8±0,6#*
	% га камайган	69,6%	62,2%	54,6%

Изоҳ: # -  $p < 0,001$  даволашдан олдин ва кейин гуруҳ ичида; • -  $p < 0,05$  даволашдан олдин ва кейин гуруҳ ичида; \* -  $p < 0,001$  даволашдан кейин ТДСТ, ЧДСТ ва МДСТ ўртасида; ° -  $p < 0,05$  даволашдан кейин ТДСТ, ЧДСТ ва МДСТ ўртасида;

Биз танлаб олган гуруҳлардаги беморлар ёши ва жинси бўйича тақсимланган. Беморларнинг кўруви динамикада олиб борилган: санаторияда

даво муолажаларини олиш давомида ва 1 ойдан кейин қайта текширувлар ўтказилган. Барча беморларда кўрув вақтида дорсалгия билан кечувчи УПДДК аниқланган.

Тадқиқот вақтида ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги беморларда ўртача интенсивликда: тинчликда— $4,3 \pm 0,1$  балл, ҳаракат вақтида— $4,9 \pm 0,1$  балл қайд этилган. Ҳолбуки, МДСТ даги беморларда ВАШ кўрсаткичлари тинчликда ва ҳаракат вақтида, бошқа гуруҳларга қараганда, унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган. Бироқ, ВАШ умумий қиймати гуруҳларда бир хил интенсивликда ва статистик жиҳатдан тенг бўлган.

Невропатик оғриқ даражасини аниқловчи DN4 шкаласи бўйича, барча беморларда мазкур оғриқ компоненти катта ва кичик даражада қайд этилган ҳамда умумий беморлар компоненти  $3,4 \pm 0,1$  баллни ташкил қилган, бу ўртача намоён бўлган белгини изоҳлайди. Ўрганилаётган гуруҳларда унинг қиймати статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмаган.

Бел қисми мушак-тоник синдромининг (МТС) яққоллилик даражаси мушак тортишиш синдроми (МТС) ҳисоблаш орқали аниқланган. Унга кўра, УПДДК билан оғриган кекса ёшдаги беморларда МТС  $9,8 \pm 0,1$  баллни ташкил этган бўлиб, бу МТС ўртача яққоллик даражасини англатади ва барча гуруҳларда унинг қиймати статистик жиҳатдан тенг ва бир-бирига мос келган.

ВНСББСКШ шкаласи бўйича вертеброневрологик симптоматика аниқланган бўлиб, умуртқа поғонасининг тузилиши, сколиози, сезувчанлик, ҳаракат, вегетатив бузилишлар, шунингдек бемордаги вақтинчалик нейроген оқсоқлик ҳақидаги маълумотлар тақдим қилинган. Демак, УПДДК билан оғриган кекса ёшдаги беморларда ВНСББСКШ шкаласи бўйича суммар балли баҳолаш  $9,7 \pm 0,1$  баллни ташкил қилган, бу кучсиз белгиларга мос келган ҳамда гуруҳларда шкала бўйича суммар балли баҳолаш ўзаро таққосланган.

Бек шкаласи бўйича депрессия даражаси ўрганилганда, УПДДК билан оғриган кекса ёшдаги беморларда кучли депрессив ҳолатлар қайд этилмаган ҳамда умумий беморларда  $11,5 \pm 0,2$  баллни ташкил қилган, бу енгил депрессияни англатади. Айрим беморларда 13 нафариди (10,8%) депрессив белгилар аниқланмаган, аксариятида – 107 нафар (89,2%) беморларда енгил ва депрессив ҳолатлар қайд этилган. Гуруҳларда беморларнинг депрессия даражасининг ўртача бали ва турли яққолликдаги депрессив ҳолатларнинг нисбати ўзаро тенг бўлган.

Умуртқа поғонаси патологиясини ифодаловчи, ҳаёт фаолиятининг бузилиш даражасини баҳолаш учун кенг қўлланиладиган Освестри шкаласи 0 баллга тенг бўлса—умуртқа поғонасида муаммо йўқлигини ҳамда 50 баллдан юқори бўлса— инсон ҳаёт фаолиятини зарар етказувчи умуртқа поғонаси билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини билдиради. Демак, беморларимизда Освестри шкаласи бўйича ҳаёт фаолияти бузилишининг ўртача балли  $26,9 \pm 0,8$  баллни ташкил қилган, бу нисбий бузилишлар мавжудлигидан дарак беради. Шунини таъкидлаш лозимки, қиёсий гуруҳларда мазкур кўрсаткич ўзаро таққосланган ва бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

Шундай қилиб, шкалалар бўйича дорсалгия билан кечувчи УПДДК билан оғриган кекса беморлардаги клиник кўрсаткичлар қуйидаги тавсифга эга: невропатик ва кучсиз намоён бўлган депрессив ўзгаришлар (оғриқнинг психоген компоненти), ўртача мушак тортишиш симптоми ва ВНСББСКШ шкаласи бўйича ўртача вертеброневрологик белгилар ҳамда Освестри шкалалари бўйича ҳаёт фаолиятининг ўртача бузилишлари билан кечувчи нисбатан ўртача интенсивликдаги оғриқ синдроми қайд этилади.

Оғриқ синдроми интенсивлигини баҳолашда визуал аналогли шкаласидан (ВАШ) тинчлик ва ҳаракат вақтида фойдаланилган. Бирламчи кўрувда ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги тинчлик ва ҳаракат вақтида ўзаро таққосланган. Даволаш давомида оғриқ интенсивлиги барча гуруҳларда тинчликда сезиларли эканлиги ( $p < 0,001$ ) ҳамда ҳаракат вақтида сезиларли камайганлиги аниқланган ( $p < 0,001$ ). Бироқ, ТДСТ гуруҳидаги беморларда тинчликда ва ҳаракат вақтида ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги, МДСТ гуруҳидаги беморларга қараганда сезиларли паст эканлиги кузатилган ( $p < 0,001$ ). Тинчликда ва ҳаракат вақтида ВАШ шкаласи бўйича оғриқ интенсивлигининг пасайиш динамикаси даволаш натижасида ТДСТ гуруҳида – 70,0% ва 66,0%, ЧДСТ да – 62,8% ва 61,2%, МДСТ да – 55,6% ва 53,8% камайган.

DN4 шкаласи бўйича беморларда невропатик оғриқ компоненти ўрганилганда, барча беморларда маълум даражада невропатик оғриқ компонентининг мавжудлиги аниқланган ҳамда даволашдан олдин қиёсий гуруҳларда ўзаро таққосланган. Даволаш давомида DN4 шкаласи бўйича невропатик оғриқ кўрсаткичлари барча беморларда сезиларли ( $p < 0,001$ ) камайган. Бироқ, ТДСТ гуруҳи беморларида DN4 шкаласи бўйича невропатик оғриқ интенсивлиги ( $p < 0,001$ ), ЧДСТ ва МДСТ гуруҳи беморларига қараганда, сезиларли паст эканлиги қайд этилган. Даволаш натижасида DN4 шкаласи бўйича невропатик оғриқнинг пасайиш динамикаси ТДСТ да 59,4%, ЧДСТ да – 48,5%, МДСТ да – 37,8% ташкил қилган.

Қиёсий гуруҳларда мушак-тортишиш белгилар (МТС) оғриқ синдромининг интенсивлик даражасига мос келган ва ўзаро таққосланган. Даволаш давомида МТИ барча гуруҳларда сезиларли ( $p < 0,001$ ) камайган. Бироқ, ТДСТ гуруҳи беморларида бу кўрсаткичлар ( $p < 0,001$ ), ЧДСТ ва МДСТ гуруҳига қараганда, сезиларли пастлиги қайд этилган. Даволаш натижасида МТИ камайиш динамикаси ТДСТ да – 80,0%, ЧДСТ да – 73,2%, МДСТ да – 67,3% ташкил қилган.

Сўнгра, гуруҳларда ВНСББСКШ шкаласи бўйича таклиф қилинган қиёсланган даволаш самарадорлиги таҳлил қилинган. Унга кўра, даволашдан олдин вертеброневрологик синдромни балли клиник баҳолаш шкаласи натижалари барча гуруҳларда ўзаро таққосланган. Самарадорликни баҳолашда, ВНСББСКШ бўйича баллар қанчалик кам бўлса, шунча даволаш натижалари ижобий ҳисобланади. Демак, даволашдан сўнг ВНСББСКШ бўйича баллар кўрсаткичи ( $p < 0,001$ ). Бироқ ТДСТ гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткичлар, ЧДСТ ва МДСТ гуруҳидаги беморларга қараганда,

